

Самарқанд вилоятининг “Соғлом она ва бола йили” ҳудудий  
ДАСТУРИ

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Такдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
<b>I. Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, қучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш.</b>						
<b>(Бўлим учун масъул – Маматов Х.Т. – вилоят адлия бошқармаси бошлиғи)</b>						
1.	Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасига таклиф тайёрлаш.	2016 йил I чорак	Адлия, ўрта махсус касб-хунар таълими, халқ таълими, ички ишлар бошқармалари, прокуратура (келишув асосида), “Камолот” ЁИХ, вилоят бўлими, олий ўқув юртлиари			Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тартибга солиш, солувчи механизмларни такомиллаштиришни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси. Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳимоянинг махсус чора-тадбирларига муҳтож бўлган ёшлар (кам таъминланган ёш оилалар)га доир муносабатларни қўшимча иш жойлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака оширишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, ташкилотлар томонидан уларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини банд қилиб қўйишда ёрдам бериш йўли билан тартибга солишга имкон беради.
2.	“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига уч ёшгача болалари бўлган барча аёлларга (бола парвариши таътилига чиққанидан қатъий назар) нисбатан уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиغان шахслар тоифасига киритиш ҳисобига жиноят қонунчилигини янада эркинлаштиришга йўналтирилган ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига таклиф тайёрлаш.	2016 йил II чорак	Жиноят ишлари бўйича вилоят суди, вилоят прокуратураси (келишув асосида), ички ишлар, адлия бошқармалари, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши			Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси.
3.	“Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига таркибда генмодифициялаштирилган организмлар бор бўлган озиқ-овқат	2016 йил III чорак	Вилоят ДСЭНМ, соғлиқни сақлаш, стандартлаштириш ва метрология, адлия бошқармалари,			“Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси.

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
	<p>маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклашга, шунингдек болалар овқатида генемодифициялаштирилган организмларни қўллашга тақиқ жорий этишга йўналтирилган кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасига таклиф тайёрлаш.</p>		дон корхоналари			
4.	<p>“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига боланинг соғлиғини муҳофаза қилинишига, болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, шунингдек шахсда мавжуд бўлганда етим болалар ва ота-онасини қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик (ҳомийлик) белгиланиши рад этиладиган касалликларни белгилаш тартибини назарда тутувчи ўзгартириш ва кўшимчалар киритишга таклиф тайёрлаш.</p> <p>Ота-она қаровисиз қолган етим болалар ва етимлардан қайсиниси тўлиқ давлат таъминотида бўлишини, тўлиқ давлат таъминотига қўйиш қандай тартибда ва қайси давлат органи томонидан расмийлаштирилишини аниқловчи нормалар бўйича таклиф тайёрлаш.</p>	2016 йил III чорак	Вилоят ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг маъсул котиби, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат, адлия бошқармалари			"Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси.
5.	<p>“Мурувват” интернат-уйларида, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ногирон болалар учун кундузги парваришлар марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасига таклиф тайёрлаш.</p>	2016 йил III чорак	Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат, адлия бошқармалари			Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни интернатларга жойлаштиришнинг олдини олиш мақсадида “Мурувват” болалар интернат-уйлари хузурида комплекс психологик-педагогик, тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, реабилитация ва ижтимоий мослашув билан бир вақтда ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг оилага ва оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини, оилавий маънавий кадриятларни асраб-авайлашни

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
						таъминлаш имконини берадиган ногирон болалар учун кундузги парваришлаш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.
<p><b>II. Олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.</b></p> <p><b>(Бўлим учун масъул – Сулаймонов Н.Б. – вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи)</b></p>						
6.	Вилоятнинг қишлоқ жойларида банкларнинг имтиёзли кредит маблағлари ажратиш ҳамда ер майдонлари тақдим этиш орқали “Гўзаллик салони”, модалар ательеси, электромаиший техникалар ва оёқ кийим таъмирлашни ўз ичига қамраб олган 16 та намунавий маиший хизмат комплексларини ташкил этиш бўйича вилоят дастурини ишлаб чиқиш.	Ишлаб чиқиш-2016 йил I чорак Амалга ошириш - йил давомида	Иқтисодиёт, Марказий банк, молия, савдо саноат палатаси бошқармалари, тижорат банклар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, тадбиркорлик субъектлари	940,0  300,0	Тадбиркорлар маблағлари  Тижорат банклари кредитлари	Вилоят ҳокимининг қарори лойиҳаси. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қуватлаш ва уларнинг қўшимча турларини ривожлантириш, аёлларнинг кундалик уй ишларини, энгиллаштириш, аҳолини сифатли хизмат кўрсатиш билан таъминлаш, қўшимча иш ўринларини айниқса касб-хунар коллежи битирувчилари учун ташкил этиши шунингдек, аҳоли даромадларини ошириш.
7.	Вилоятнинг чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 214 нафар аёлига электр-маиший техника товарларини бепул бериш.	Йил давомида	Касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят Кенгаши	128,0	Касаба уюшмалари маблағлари	Касаба уюшмаси ташкилотлари қарорлари. Хотин-қизларнинг уй меҳнатини энгиллаштириш ва зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш.
8.	Вилоятнинг чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларида яшовчи аҳолининг ижтимоий ночор қатламларидан 1300 кишига катталар ва болалар кийим-боши тўпламларини бепул бериш.	Йил давомида	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими	96,0	“Маҳалла” фонди маблағлари	Қишлоқ жойларда аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ночор қатламлари вакилларига ижтимоий ёрдам бериш.
9.	Вилоятнинг 14 та туманидаги қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 1327 та якка тартибдаги уй-жойлар қуриш.	2016 йил 1 сентябргача	“Қишлоқ қурилиш инвест”, “Қишлоқ қурилишбанк” филиали, молия, архитектура ва қурилиш бошқармалари, туманлар ҳокимликлари,	256 511,5	Кредит маблағлари	Муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси комплекси билан биргаликда шинам уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ жойларда яшовчи одамларнинг турмуши даражасини ошириш.
10.	2016 йил Дастури бўйича қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган якка тартибдаги уй-жойларни:	2016 йил 1 сентябргача	“Марказгаз-таъминот” УК, “Самарқанд электр тармоқлари” АЖ	4600,0	Бажарувчиларнинг маблағлари	Бажарувчининг қарори. Қишлоқ аҳолисининг табиий газ, электр энергияси билан таъминлаганлигини ошириш йўли билан қишлоқ аҳолисининг турмуш

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
	28,7 км электр таъминоти тармоқлари қуриш ва 35 та трансформаторлар ўрнатиш йўли билан электр энергияси билан; 38,5 км газ таъминоти тармоқлари қуриш йўли билан табиий газ билан таъминлаш.			2850,0		шароитларини яхшилаш.
11.	Вилоятнинг барча туманларида қишлоқ жойларда 342 километрдан ортиқ сув таъминоти тармоқларини, шу жумладан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қуриладиган қишлоқ жойларда 42,6 км сув таъминоти тармоқларини ишга тушириш ҳисобига аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишни давом эттириш.	2016 йил 1 сентябргача	Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Очилов) Инжиниринг компанияси, туманлар ҳокимликлари	12026,3	Бюджет маблағлари	Вилоят ҳокимининг қарори. 68 та аҳоли пунктини ёки қарийб 72,2 минг кишининг сув таъминотини таъминлаш. Ичимлик сувдан фойдаланишни яхшилаш ва аҳоли турмуши учун қулай шарт-шароит яратиш.
12.	Қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини янада яхшилашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни давом эттириш: Қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини янада яхшилаш (2015-2018 йй.) лойиҳаси доирасида Қўшрабат туманида 80 км. сув таъминоти тизимлари тақсимлагичини ишга тушириш ҳисобига Қўшрабат туманида қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш	Йил мобайнида	Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Очилов) Инжиниринг компанияси, “Сув оқова” корхонаси, Қўшрабат тумани ҳокимлиги	Умумий қиймати – 36,2 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 8,0 млн. АҚШ долл.	ОПЕК ва СТЖ қарзлари	Вилоят ҳокимининг қарори. Ичимлик сув ишлаб чиқариш қувватини кунига 65 минг куб./метр гача етказиш ҳисобига қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш.
13.	Оқова сув тозалаш хизмати сифатини ошириш ҳамда тизимларни яхшилаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: “Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида оқова сув тозалаш иншоотлари ва тизимларини реконструкция қилиш (2010-2019 йй.)” лойиҳаси доирасида Самарқанд шаҳрида оқова сув тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш.	Йил давомида	Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Очилов), “Сувоқова” ИЧК, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги	Умумий қиймати – 49,3 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 4,05 млн. АҚШ долл.	МАР кредит маблағлари	Вилоят ҳокимининг қарори. Оқова сувни тозалаш қувватини суткасига 139,0 минг куб метрга етказиш ҳисобига лойиҳадаги шаҳарларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш.
<b>III. Тиббиёт муассасаларининг, жумладан перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш,</b>						

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
<b>оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт хамшираларининг сонини кўпайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш.</b> <b>(Бўлим учун масъул – Игамбердиев Б.Н. – вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи)</b>						
14.	<p>Туғруққа ёрдам берувчи ва болалар тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан:</p> <p>Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини таъмирлаш ва жиҳозлаш;</p> <p>6 та (Оқдарё, Нарпай, Ургут, Нуробод, Каттакўрғон туманлари ва Каттакўрғон шаҳар тиббиёт бирилашмалари) тиббиёт муассасаларининг болалар бўлимлари ва туғруқхона мажмуаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш;</p> <p>Самарқанд шаҳар 6-сон оилавий поликлиника ва 2-сон оилавий поликлиникаларни, 14 та қишлоқ врачлик пунктини мукамал ва жорий таъмирлаш;</p>	<p>Йил мобайнида</p> <p>Йил мобайнида</p>	<p>Вилоят ҳокимлиги (Очилов), соғлиқни сақлаш, молия, иқтисодиёт, архитектура ва қурилиш бош бошқармалари Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси</p> <p>Вилоят ҳокимлиги (Очилов), соғлиқни сақлаш бошқармаси, Инжиниринг компанияси</p>	<p>1034,5 шу жумладан 1000,0 1,3 млн. евро</p> <p>19078,4</p> <p>4363,6</p> <p>3060,1</p>	<p>Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари, KfW банки грантлари Маҳаллий бюджетлар ва хайр-эҳсон қилувчиларнинг маблағлари</p>	<p>Оналар ва болаларга малакали юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш шарт-шароитларини яхшилаш.</p> <p>Янги туғилган пайтдан бошлаб 18 ёшгача вилоят болаларига нейрохирургия, урология, нефрология, онкология ва бошқалар бўйича ихтисослаштирилган ёрдам бериш сифатини яхшилаш.</p> <p>Болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш.</p> <p>Қишлоқ жойларда дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифатини яхшилаш.</p> <p>Замонавий тиббий ускуналар қўлланилган ҳолда аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат, ногирон болаларни реабилитация хизматлари сифатини яхшилаш. Болалар ногиронлиги кўрсаткичларини пасайтириш.</p>

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
15.	<p>Халқаро ва хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига қуйидагиларни жиҳозлаш ва тўлик жиҳозлаш: вилоят перинатал марказини жиҳозлаш;</p> <p>шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан уларнинг болалар ва туғруққа кўмаклашиш бўлинмалари.</p>	2016-2017 йиллар	Вилоят ҳокимлиги (Очилов), соғлиқни сақлаш, молия, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари	<p>619,8</p> <p>550,0 минг АҚШ доллари</p> <p>1050 минг АҚШ доллари</p> <p>4075 минг евро</p>	<p>Республика бюджети маблағлари</p> <p>KfW-банк грантлари</p> <p>КХР Ҳукумати маблағлари</p> <p>“Соғлом авлод учун” жамғармаси</p>	<p>Болалар ва туғруққа кўмаклашиш муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.</p> <p>Ҳомиладор аёлларни, янги тукқан аёлларни ва чақалоқларни транспортда хавфсиз ташиш учун шарт-шароитлар яратиш.</p> <p>Оналар, перинатал ва чақалоқлар ўлимини пасайтириш.</p>
16.	Вилоят скрининг маркази ҳамда аҳоли репродуктив саломатлик марказининг вилоят филиалларини бино билан таъминлаб, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.	2016 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш бошқармаси	250,0	Хайр-эҳсон килувчиларнинг маблағлари	Ижрочиларнинг қарорлари Вилоят аҳолисини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳомиладор ва янги туғилган чақалоқларни скринингдан ўтказиш хизматларини янада яхшилаш.

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
17.	<p>Болалар ва катта ёшли аҳоли орасида қуйидаги йўллар билан юқумли касалликлар профилактикасини ўтказиш:</p> <p>Эмлашларнинг миллий календарига мувофиқ камида 98% болаларнинг профилактик эмлаш билан қамраб олиншини таъминлаш;</p> <p>тахдид гуруҳига кирувчи болалар орасида туберкулин-диагностика ва диаскин-тест синови ўтказиш;</p> <p>ОИТС/ОИВ тарқалишининг олдини олиш мақсадида ОИВ инфекцияси юққан болалар ва катта ёшдагиларни вирусга қарши препаратлар билан таъминлаш;</p> <p>мактабгача ёшдаги (2-6 ёш) ва мактаб ёшидаги (7-10 ёш) қарийб 623,2 минг нафар болаларни дегельминтизация дастури билан қамраб олиш;</p> <p>1 ёшгача болалар орасида ротавирус ва пневмококкли инфекцияга қарши иммунизациялаш мониторингини олиб бориш.</p>	Тасдиқлаш – 2016 йил I чорак Амалга ошириш – йил мобайнида	Вилоят ДСЭНМ соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари	1223,5  500 минг АҚШ доллари  115,0 83,3 млн АҚШ доллари  240,0  54,9 4,2 минг АҚШ доллари	Маҳаллий бюджет маблағлари  Вакциналар ва иммунизациялаш глобал альянси маблағлари Маҳаллий бюджет маблағлари  Маҳаллий бюджет маблағлари Глобал фонд грантлари Маҳаллий бюджет маблағлари, ГАВИ, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маблағлари	<p>Аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари орасида юқумли касалликларни камайитириш. Мамлакатнинг полиомиелитнинг ёввойи вирусидан ҳолилиги мақомини сақлаб қолиш.</p> <p>Болаларнинг сил касаллигига чалиниши профилактикаси сифатини ошириш ва касалликни барвақт аниқлашни таъминлаш.</p> <p>ОИВ инфекцияси юққан беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш.</p> <p>вилоятда эпидемиологик осойишталикни ва юқумли касалликлар даражасини пасайтиришни таъминлаш.</p>
18.	<p>Болаларни республика ва чет эл клиникалари ва марказларида соғломлаштириш, шу жумладан: ногирон болаларни Германия клиникаларида тезкор даволаш (1 йилдан 3 йилгача муддатда); кам таъминланган оилаларнинг юқори тишлари ва қаттиқ танглайи ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган камида 10 нафар болаларини</p>	Йил мобайнида	"Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими, соғлиқни сақлаш бошқармаси	25,8	“Соғлом авлод учун” жамғармаси, “Фриеденсдорф интернейшнл” (Германия) ва “Save the children” (Жанубий Корея) халқаро	<p>Ҳар хил туғма патологияли болаларни даволаш.</p> <p>Юқори тиши ва танглайида туғма нуқсонлар бўлган, оёқлари (маймоқлик) ва бўйин қийшиқлигининг туғма ортопедик касалликларига, туғма юрак етишмовчилиги, сурункали остеомиелит, куйишдан кейинги контрактура касалликларига чалинган болаларни соғломлаштириш.</p> <p>Болалар ногиронлиги даражасини</p>

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
	<p>тезкор даволаш; кам таъминланган оилаларнинг оёқларида маймоқлик ва бўйни қийшиқлик туғма ортопедик касалланган камида 10 нафар болаларини тезкор даволаш; туғма юрак етишмовчилиги ва сурункали остеомиелит касаллигига чалинган камида 4 нафар болани соғломлаштириш ва жадал даволаш; куйишдан кейинги контрактурали камида 10 нафар болани пластик операция қилиш.</p>				ташкilotлари, Жанубий Корея ва Ҳиндистон клиникалари маблағлари	пасайтириш.
19.	<p>Онкогематологик касалликларга чалинган болаларга комплекс ёрдам бериш бўйича қуйидаги йўллар билан замонавий технологиялар жорий этилишини кенгайтириш: онкогематологик касалликларга (лейкоз, талассемия) болаларни бепул дори препаратлари билан таъминлаш;</p> <p>талассемияга чалинган бемор болалар орасида хелатор терапия самарадорлиги мониторингини олиб бориш; хелатор терапия ўтказиш соҳасида гематологларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти базасида ташкил этиладиган Бемор болаларнинг ота-оналари учун талассемия мактабида бемор бола терапияси ва уни парвариш қилиш бўйича ота-оналарни ўқитишга йўлланма бериш</p>	Йил мобайнида	соғлиқни сақлаш, молия бошқармалари	85,6  1,8 млн АҚШ доллари  6,5 минг АҚШ доллари	Маҳаллий бюджет маблағлари “Novartis” компанияси (Швейцария) маблағлари “Novartis” компанияси (Швейцария) маблағлари	<p>Лейкоз ва талассемия касаллигига чалинган болаларнинг вилоят регистрини доимий равишда янгилаш.</p> <p>Талассемияга чалинган беморларнинг конидаги ферритинни аниқлаб даволаш мониторингини олиб бориш ва даволаш самарадорлигини илмий таҳлил қилиш.</p> <p>Ўқув таркатма материаллари тайёрлаган ҳолда гематологлар учун ўқув тренинглари, семинарлар ва маҳорат дарслари ташкил этиш.</p> <p>Ота-оналар учун буклетлар, эслатмаларни ишлаб чиқиш ва нусхасини кўпайтириш. Лейкозга чалинган болалар ўлимини 50 фоизга пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва 5 йил яшаш кўрсаткичларини 40 фоиздан 90 фоизгача ошириш. Талассемияга чалинган болалар ўлимини 70 фоизгача пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, 25 йил яшаш кўрсаткичларини 10 фоиздан 90 фоизгача ошириш.</p>



№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
20.	<p>Кар ва кулоғи оғир болаларнинг: аудиоскрининг қилиш асосида чақалокларда эшитиш қобилияти бузилишини барвақт аниқлаш йўли билан уларни реабилитация қилиш дастурини амалга оширишни амалга ошириш;</p> <p>нейросенсор кулоғи оғирлик ва карлик касалига чалинган 20 нафардан ортиқ болаларни кохлаар имплантация қилиш учун йўлланмалар бериш; операциядан кейин сурдопедагогик реабилитация қилиш.</p>	2016-2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармаси	<p>2016 йилда:</p> <p>720,2</p>	Республика бюджети маблағлари	<p>Чақалокларни вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказида аудиоскрининг қилиш.</p> <p>Чақалокларни аудиоскрининг қилиш бўйича неонатологларни, болаларни операциягача ва операциядан кейин сурдопедагогик реабилитация қилиш бўйича сурдопедагогларни ўқитиш.</p> <p>Карлик бўйича болалар ногиронлигини пасайтириш ва ушбу тоифага кирувчи болаларни интеграция қилиш.</p>
21.	<p>чақалок туғилган пайтдан бошлаб болалар ҳаёти сифатини куйидаги йўллар билан ошириш:</p> <p>чақалокларнинг геморрагик касаллиги профилактикаси;</p> <p>чала туғилган чақалоклар реанимациясининг юқори самарали ва юқори технологик усулларини қўллаш;</p> <p>болаларни 6 ойгача кўкракдан эмизиш билан энг кўп даражада камраб олишни таъминлаш;</p> <p>“Касалхоналарнинг болага олийжаноб муносабатда бўлиши ташаббуси” бўйича тиббиёт муассасаларига сертификат берган ҳолда вилоятда Кўкракдан эмизишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳафталигини ўтказиш.</p>	<p>Йил мобайнида</p> <p>2016 йил август</p>	соғлиқни сақлаш, молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликлари	<p>100,0</p> <p>12,0</p> <p>Ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида</p>	<p>Бажарувчилар маблағлари</p> <p>Ҳомийлар маблағлари</p> <p>Бажарувчилар маблағлари</p>	<p>Бажарувчиларнинг қарорлари.</p> <p>Чақалокларнинг геморрагик касаллиги профилактикаси учун халқаро стандартлар асосида К Витаминини рутин қўллашни жорий этиш.</p> <p>Неонатал, чақалоклар ва болалар ўлимини камайтириш.</p>

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
22.	<p>Никоҳга кирувчи шахсларни ихтиёрий тиббий кўрикдан ўтиш билан қамраб олиш тизими сифати ва самарадорлигини қуйидаги йўллар билан ошириш:</p> <p>никоҳга кирувчи шахсларни, энг аввало, юқумли ва вирусли касалликлар (сил, ОИТС, теританосил касалликлари) юзасидан тиббий кўрикдан ўтказиш сифати устидан доимий мониторинг олиб бориш;</p> <p>барвақт никоҳларнинг олдини олиш, яқин қариндошларнинг никоҳга киришларининг оқибатларини тушунтириш бўйича манзилли ишлар олиб бориш;</p> <p>энг аввало оммавий ахборот воситалари, шу жумладан минтақавий оммавий ахборот воситалари орқали никоҳга киришга қадар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш;</p> <p>оилаларда ва никоҳга кираётган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини юритиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориш.</p>	Йил мобайнида	Хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш, адлия, ўрта махсус касб-хунарга таълими бошқармалари, олий ўқув юртлиари, туман ва шаҳар ҳокимликлар	1392,0          1,4	Маҳаллий бюджети маблағлари          Бажарувчилар маблағлари	Никоҳга кирувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соматик ва ижтимоий аҳолиятлик касалликларга чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаш, уларни соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш. Соғлом оилани шакллантириш. Соғлом болалар туғилишини таъминлаш.

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
23.	<p>Қуйидагиларни амалга ошириш йўли билан туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастурини амалга оширишни давом эттириш:</p> <p>ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар ўртасида перинатал ва неонатал скрининг;</p> <p>соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини биринчи даражасида ҳомиладор аёлларни оммавий барвақт перинатал ультратовуш скринингидан ўтказиш;</p> <p>вилоят скрининг марказини юқори даражали рақамли кўп мақсадли диагностик ультратовуш тизими билан жиҳозлаш.</p>	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Соғлом авлод учун” жамғармаси	233,9 минг АҚШ доллари  123,8	“Соғлом авлод учун” жамғармаси  Республика бюджети маблағлари	<p>Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни доимий равишда скринингдан ўтказиш.</p> <p>Неонатал ва перинатал скрининг ўтказиш учун ускуналар, реагентлар билан таъминлаш.</p> <p>Ривожланишида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар бўлган болалар туғилишининг олдини олиш.</p> <p>Болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш.</p>
24.	<p>Қуйидагилар:</p> <p>репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш;</p> <p>соғлом оилани шакллантириш;</p> <p>соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик;</p> <p>соғлом оналик ва ривожланишнинг туғма аномалиялари профилактикаси;</p> <p>болалар орасида касалликлар профилактикаси;</p> <p>маиший жароҳатланиш профилактикаси бўйича аҳоли учун ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиш учун таклифлар бериш ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш.</p>	Йил мобайнида	Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамаиати, туман ва шаҳар ҳокимликлари,	12,0	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	<p>Бажарувчиларнинг қарорлари.</p> <p>Ахборот-таълим материалларини (буклетлар, плакатлар ва бошқа материаллар) тарқатиш.</p> <p>Соғлом оилани шакллантириш, турмуш гигиенаси ва санитарияси, юқумли касалликлар профилактикаси, маиший жароҳатланиш ва ўсмирларнинг хавфли ҳулқ-атвори оқибатлари ва шу каби масалаларда аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш.</p>

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
25.	<p>акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини куйидаги йўллар билан мунтазам равишда ошириш:</p> <p>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган диагностика ва даволашнинг халқаро стандартларини ўрганиш ва амалда қўллаш;</p> <p>болалар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида замонавий самарали перинатал технологияларни жорий этиш;</p> <p>замонавий тиббий ускуналардан фойдаланишни назарда тутувчи қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;</p> <p>перинатал ёрдам кўрсатишнинг турли даражаларида аёлларга ва чақалоқларга тиббий ёрдам бериш ва стандартлар асосида олиб бориш;</p> <p>болаларга юқори технологик ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш бўйича педиатрларни республика ва Германиянинг етакчи клиникаларида ўқитиш йўли билан вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказларининг тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш;</p> <p>замонавий юқори технологик тиббиёт ускуналарини ишлатиш учун тиббий ва техник ходимлар малакасини ошириш.</p>	<p>2016 йил II чорак</p> <p>Йил мобайнида</p> <p>2016-2019 йиллар 2016-2019 йиллар</p>	<p>Соғлиқни сақлаш бошқармаси</p> <p>Соғлиқни сақлаш, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари</p> <p>Соғлиқни сақлаш бошқармаси</p> <p>Соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари</p> <p>соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>6,0 минг АҚШ доллари</p> <p>7,0 минг АҚШ доллари</p> <p>44,8 минг АҚШ доллари</p> <p>114,0 минг АҚШ доллари</p>	<p>ЮНИСЕФ маблағлари</p> <p>ЮНИСЕФ маблағлари</p> <p>KFW-банк грант маблағлари</p> <p>GIZ (Германия) грантлари</p>	<p>Врачлар ва тиббиёт ҳамшираларини диплом олди ва кейинги тайёргарликкача ишчи дастурларни такомиллаштириш.</p> <p>Акушер-гинекологлар, неонатологлар, анестезиологлар, реаниматологлар, акушеркалар ва тиббиёт ҳамшираларини ўқитиш.</p> <p>Аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш. Оналар ва болалар ўлимини камайтириш.</p> <p>Ҳомиладор аёлларга, янги туққанларга ва чақалоқларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини ошириш. Оналар ва чақалоқларнинг касалланиши ва ўлимини камайтириш.</p> <p>Бажарувчиларнинг қарори.</p> <p>Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларни таҳлил қилиш ва ташкил этиш бўйича соғлиқни сақлаш раҳбарларини, шунингдек чақалоқлар ва болаларни парвариш қилиш бўйича дастурларни жорий этиш юзасидан 10 нафар тиббиёт ходимини ўқитиш.</p> <p>Бемор болаларни даволаш бўйича қўлланмалар ва протоколларни ишлаб чиқиш.</p>
<p><b>IV. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, хомиладор аёлларнинг соғлиғини ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларни овқатланиш рационали сифатини ва калорияси яхшиланишини таъминлаш.</b></p> <p><b>(Бўлим учун масъул – Игамбердиев Б.Н. – вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи)</b></p>						

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
26.	<p>Куйидагиларни: аҳолини фортификацияланган ун ва йодланган туз билан таъминлашга;</p> <p>қишлоқ туманларида яшовчи 60 минг ҳомиладор аёлларни таркибида шу жумладан фолий кислотаси мавжуд бўлган умумий соғломлаштирувчи поливитаминларнинг махсус тўпламлари билан таъминлашга;</p> <p>6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида А витамини саплементацияси билан таъминлашга;</p> <p>институционал ва даволаш-профилактика муассасалари мижозларини витаминлар билан бойитилган сабзавотли шўрвалар билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;</p> <p>овқатланишни яхшилаш ва микронутриент етишмовчилик профилактикаси соҳасида дастурларни амалга ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш йўли билан аҳоли овқатланиши ва соғлиғини яхшилаш.</p>	Йил мобайнида	соғлиқни сақлаш божқармаси, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари, дон корхоналари	<p>250 минг АҚШ доллари, 11,2 минг АҚШ доллари</p> <p>334,6</p> <p>12,9 минг АҚШ доллари</p> <p>30,0 минг АҚШ доллари</p> <p>25,0 минг АҚШ доллари</p>	<p>Бажарувчилар маблағлари</p> <p>Республика бюджети маблағлари</p> <p>ЮНИСЕФ маблағлари</p> <p>“Соғлом авлод учун” жамғармаси маблағлари</p> <p>ЮНИСЕФ маблағлари</p>	<p>Вилоятнинг барча худудларида А витаминини тарқатиш ва “Соғлом бола” ҳафталигини ўтказиш.</p> <p>Тажриба минтақаларида овқатланиш ва тадқиқотлар масалалари бўйича асбоблар ва тадқиқотлар дизайнини ишлаб чиқиш.</p> <p>Аёллар, болалар ва ўсмирларда микронутриент етишмовчилиги-нинг олдини олиш. Болалар касаллиги ва ўлимни камайтириш.</p> <p>Аҳолининг репродуктив саломатлиги муҳофазаси, болалар ва ўсмирлар саломатлиги соҳасида дастурлар бажарилиши самарадорлигини ошириш.</p>

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Такдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
27.	<p>"Самарканд" телеканалда "Бўлғуси оналар мактаби" телекўрсатувини ҳар ҳафтада намойиш қилишни ташкил этиш. Кўрсатув давомида ёш қизлар ва ҳомиладор аёллар, тажрибали врачлар (педиатрлар, гинекологлар, терапевтлар ва бошқалар), шунингдек маданият ва спорт арбоблари иштирокида:</p> <p>ҳомиладор аёллар томонидан соғлом бола туғилишининг гарови сифатида санитария-гигиена нормаларига ва соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилиш;</p> <p>кўкракдан эмизишнинг асосий принциплари ва фойдалилиги, Болаларни эмлашнинг миллий календарига риоя қилиш;</p> <p>ёш оналар ва болаларни парвариш қилишни таъминлашнинг асослари, улар овқатланиши рационининг сифати ва калориялилигини таъминлаш ва ҳоказо мавзулар бўйича маҳорат дарслари, амалий дарслар ва машғулотлар шаклида руқнлар намойиш қилиш.</p>	Йил мобайнида	СТР, "СТВ"МЧЖ, Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Хотин-қизлар кўмитаси	5,0	Бажарувчилар маблағлари	<p>"Самарканд" телеканалда "Бўлғуси оналар мактаби" телекўрсатувини ташкил этиш, уни ҳафтада бир марта намойиш қилиш.</p> <p>Телекўрсатувда ёш оналар ва болалар овқатланиши режимига риоя қилиш, улар овқатланиши рационининг сифати ва калориялилигини таъминлаш, ёшларнинг, айниқса қишлоқ жойлардаги қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини оммалаштиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш.</p>
<p><b>V. Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айниқса қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини қуриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер-кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш.</b></p> <p><b>(Бўлим учун масъул – Мизомов К.Х. – вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи)</b></p>						
28.	Оммавий болалар спортини ривожлантириш, қуйидагиларни назарда тутувчи болалар спортини ташкил этиш тизимини янада ривожлантириш йўли билан болалар, айниқса қиз болаларнинг спортнинг улар томонидан танланган турига,	Йил мобайнида	Халқ таълими бошқармаси иқтисодиёт, молия, Архитектура ва қурилиш бошқармалари, Хотин-қизлар	53 156,7 шу жумладан:		Болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, спорт билан мунтазам шуғулланувчи қиз болалар сонини кўпайтириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш.

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
	<p>спорт тайёргарлиги даражасига, жинси ва ёшига қараб уларни спорт билан шуғулланишга янада кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;</p> <p>барча мактабларда спорт клублари ва жамоалар ташкил этилишини ва спорт турлари бўйича мактаб лигалари ташкил этилишини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари учун қўшимча равишда 60 та спорт зали куриш;</p> <p>Каттакўрғон шаҳридаги болалар – ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш ва қўшимча 25x12 ҳажмдаги ёпик сув хавзасини куриш;</p> <p>Нуробод туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш;</p> <p>Самарқанд шаҳрида Енгил атлетика бўйича олий маҳорат спорт мактабини куриш;</p> <p>Самарқанд шаҳридаги “Дельфин” сув хавзасини реконструкция қилиш;</p> <p>барча даҳаларда спорт зоналарини (кўча тренажерлари, баскетбол ҳалқаси, футбол учун мини майдон ва бошқалар) ўз ичига оловчи болалар майдончалари куриш дастурини давом эттириш.</p> <p>Бундан ташқари, 2004-2014 йилларда фойдаланишга топширилган болалар спорт мактаблари ва объектларини қўшимча равишда жиҳозлаш, шунингдек 2016 йилда объектларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари, шу жумладан ҳар бир умумтаълим муассасасини футбол, баскетбол, волейбол, гандбол тўплари ва стол тенниси тўплари билан таъминлаш.</p> <p>Малакали тренер-ўқитувчилар</p>		<p>қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар), туман ва шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>39000,0</p> <p>3971,7</p> <p>3300,0</p> <p>4000,0</p> <p>2500,0</p> <p>385,0</p>	<p>Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари</p>	<p>Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек спорт билан мунтазам шуғулланиш учун шарт-шароитларни яхшилаш.</p>

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Сарф-харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Такдим этиладиган ҳужжат формаси, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
	таркиби, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш.					
